

Абдулқуддус амакининг сабоқлари (15-қисм)

05:00 / 16.02.2017 5859

Абдулқуддус амакининг сабоқлари (15-қисм)

ХУШ ХУЛҚҚА НЕ ЕТСИН

Ассалому алайкум, жажжи набираларим, қанду асалларим!

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қандай одам эдилар? Жудаям яхши хулқли, уятчан, камтар, ширинсўз, одобли, ёқимтой, юмшоқкўнгил, меҳрибон киши бўлганлар. Биз ҳам у кишининг йўлларида юрмоқчи бўлсак, хулқимиз ана шундай ҳамма ҳавас қиладиган бўлиши керак.

«Хулқ» ўзи нима? Хулқ кишининг феъл-атвори, юриш-туриши, сўзлаши, муомаласи, маданиятини ўз ичига олган хислатларидир. Пайғамбаримиз «Жаннатга тушишга сабаб бўладиган нарса нима?» деб сўраганлар ва ўзлари «Аллоҳдан қўрқиш ва яхши хулқли бўлиш», деб жавоб берганлар.

Яхши хулқли бўлиш қийинми? Йўқ, фақат сиз бунга астойдил ҳаракат қилсангиз бўлди! Бунинг учун нималар қилиш керак? Энг аввало ота-онангизни, устозларингизни, ўзингиздан катталарни ҳурмат қилинг. Кичикларни авайланг. Ҳаммага яхши гапиринг. Каттаю кичикка салом беринг. Аллоҳ таоло ва Пайғамбар алайҳиссалом буюрган ибодатларни қолдирмай бажаринг. Ҳар ишда камтар бўлинг, чунки Аллоҳ кибрли, керилган одамларни жуда ёмон кўради. Нима айб гуноҳ қилсангиз, дарров кечирим сўрашга одатланинг! Кўча-кўйда, кўпчилик ичида, оилада ўзингизни одобли, яхши муомалали, ширинсўз тутинг. Катталар юввош, мулойим, кўп гапирмайдиган, табассумли болаларни яхши кўришади.

Айниқса, саломлашиш одобларини яхши билиб олинг. Биров билан кўришганда, бирор жойга кирганда «Ассалому алайкум» деб салом берасиз. Бунинг маъноси «Сизга тинчлик-хотиржамлик тилайман» дегани. Агар бошқа одам салом берса, албатта, «Ваалайкум ассалом» деб тўлиқ жавоб қайтаринг, алик олиш жуда зарур иш. Пайғамбаримиз ҳаммадан олдин, ҳатто сиздек ёш болаларга ҳам салом берганлар. Машина, велосипед, отдаги одам пиёдага, пиёда киши ўтирган кишига, озчилик кўпчиликка, кичиклар катталарга салом беради. Аммо намоз ўқиётган,

Қуръон тиловат қилаётган кишига, масжидда гапираётган имомга салом берилмайди.

Кийиниш, овқатланиш, кўчада юриш, ухлаш одобларини билиш ҳам яхши хулққа киради. Кийим одамнинг уят жойларини, баданини бекитиб туриш учун кийилади. Кир кийимларни, албатта, ювдириб кийиш керак, йиртиқларини тиктириб олинг. Ўғил болалар ипакли кийимлар, қизил, сариқ рангли ёки қизларникига ўхшаш кийимларни, одам, ҳайвон сурати солинган кийимларни киймасликлари керак. Қизчаларимиз улғайганда баданлари кўринадиган, калта, ёқаси катта кўйлақлар киймасликлари лозим.

Овқатланишнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор. Мусулмон болалар овқатланишдан олдин ва кейин қўлларини ювадилар. Дастурхонга келиб, «Бисмиллаҳ»ни айтиб тановулга киришадилар. Овқатни ўнг қўлда, ўз олдиларидан ейдилар. Овқатни пуфламай, хўриллатмай, устида нафас олмай ейиш лозим. Иссиқ овқат совигунича сабр қилинг. Чунки иссиқ таомда барака бўлмайди. Овқатланиб бўлгач, «Алҳамдулиллаҳ» деб Аллоҳга ҳамд айтинг. Чунки шундоқ ширин овқатларни бизга Аллоҳ таоло берган-да!

Исломиё одобга кўра овқатни тез-тез ейилмайди. Кетма-кет оғизга луқма ташланмайди. Катта-катта қилиб чайнамай ютилмайди. Овқатланаётган кишига қаралмайди. Таом ва нонлар исроф қилинмайди. Овқатланиб бўлгач, қўлни ва ёғли идишларни ялаб, сўнг қўл артилади. Тўкилган увоқлар териб ейилади. Кейин Аллоҳга шукр айтиб, дастурхонга дуо ўқиб турилади.

Сув, чой ичишнинг тартиблари мана бундай:

Пайғамбаримиз сувни уч бора нафас олиб, бўлиб-бўлиб, ўтирган ҳолда ичишни тавсия қилганлар. Фақат зам-зам суви тик турган ҳолда ичилади. Сув ҳам «Бисмиллоҳ»ни айтиб ичилади, ичиб бўлингач, «Алҳамдулиллаҳ» дейилади.

Кўча-кўйда юришнинг ҳам маълум тартиблари бор. Кўчада шошилиб юрилмайди. Икки киши, хусусан икки аёл ўртасидан кесиб ўтилмайди. Кўчада уёқ-буёққа анқайиб юриш, туфлаш, писта чақиб, таом ёки музқаймоқ еб юриш исломий таълимга тўғри келмайди. Йўлда одамларга халал берадиган тош, шох-шабба, сим, тикан, пўчоқ каби нарсалар ётган бўлса, бир четга олиб ташланади. Танишми-нотаниш кўринган барча

кишиларга салом берилади. Кўча-кўйларда беҳуда ўтириш ёки бекор анграйиб туриш, шовқин солиш одобимизга тўғри келмайди.

Болажонларим, энди ухлашнинг қоидаларини ўргатиб қўяй. Уйқуга ётиш олдидан таҳорат олиб, тишларни мисвок (тиш чўткаси) билан яхшилаб тозаланг. Ўринга ётганда қибла тарафга ёки муқаддас китоблар турган тарафга оёқ узатилмайди. Юзтубан, чалқанча ётманг, кечаси ёмон тушлар кўриб чиқасиз. Энг яхшиси, ўнг томонга ёнбошлаб, қўл кафтини юз остига қўйиб ухлашдир. Жаноби Пайғамбаримиз «Кўлларида овқат ёғи билан ётиб ухлаган одамга бирор касаллик ёпишса, ўзидан кўрсин!» деганлар.

Уйқу олдидан икки «Қул аъзузу» сурасини ўқиб, калимангизни айтиб ётсангиз, жуда яхши бўлади. Кўп ухламанг, сизнинг ёшингизда, узоғи билан тўққиз соат ухланса кифоя, кўп ухлаш одамни ланж, касал қилади. Асло қуёш чиққунча ухламанг, чунки бу динимизда қораланган.

Мана асал-қандларим, яхши бола бўлишнинг, хуш хулқли бўлишнинг қоидаларини билиб олдингиз. Энди нима қилишимиз керак? Ҳа, барокаллоҳ, уларни эслаб қолиб, доимо амал қилиб юришимиз зарур. Ана шундай қилсак, Аллоҳ таолога, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ёқадиган болалар бўламиз. Агар Аллоҳ ва Пайғамбарга ёқсак, албатта, жаннатга кирамиз. Жаннатга кирсак, ҳеч қийналмаймиз, доимо мазза қиламиз. Шундайми, ширинтойларим?!

O'N BESHINCHI SABOQ

XUSH XULQQA NE YETSIN

Assalomu alaykum, jajji nabiralarim, qandu asallarim!

Payg'ambarimiz Muhammad alayhissalom qanday odam edilar? Judayam yaxshi xulqli, uyatchan, kamtar, shirinso'z, odobli, yoqimtoy, yumshoq ko'ngil, mehribon kishi bo'lganlar. Biz ham u kishining yo'llaridan yurmoqchi bo'lsak, xulqimiz ana shunday hamma havas qiladigan bo'lishi kerak.

«Xulq» o'zi nima? Xulq kishining fe'l-atvori, yurish-turishi, so'zlashi, muomalasi, madaniyatini o'z ichiga olgan xislatlaridir. Payg'ambarimiz **«Jannatga tushishga sabab bo'ladigan narsa ninia?»** deb so'raganlar va o'zlari **«Allohdan qo'rqish va yaxshi xulqli bo'lish»**, deb javob berganlar.

Yaxshi xulqli bo'lish qiyinmi? Yo'q, faqat siz bunga astoydil haiakat qilsangiz bo'ldi! Buning uchun nimalar qilish kerak? Eng avvalo ota-onangizni, ustozlaringizni, o'zingizdan kattalarni hurmat qiling. Kichiklarni avaylang. Hammaga yaxshi gapiring. Kattayu kichikka salom bering. Alloh taolo va Payg'ambar alayhissalom buyurgan ibodatlarni qoldirmay bajaring. Har ishda kamtar bo'ling, chunki Alloh kibrli, kerilgan odamlarni juda yomon ko'radi. Nima ayb gunoh qilsangiz, darrov kechirim so'rashga odatlaning! Ko'cha-ko'yda. ko'pchilik ichida, oilada o'zingizni odobli, yaxshi muomalali, shirin so'zli tuting. Kattalar yuvvosh, muloyim, ko'p gapirmaydigan, tabassumli bolalarni yaxshi ko'rishadi.

Ayniqsa, salomlashish odoblarini yaxshi bilib oling. Birov bilan ko'rishganda, biror joyga kirganda «**Assalomu alaykum**» deb salom berasiz. Buning ma'nosi «Sizga tinchlik-xotirjamlik tilayman» degani. Agar boshqa odam salom bersa, albatta, «Vaalaykum assalom» deb to'liq javob qaytaring, alik olish juda zarur ish. Payg'ambarimiz hammadan oldin, hatto sizdek yosh bolalarga ham salom berganlar. Mashina, velosiped, otdagi odam piyodaga, piyoda kishi o'tirgan kishiga, ozchilik ko'pchilikka, kichiklar kattalarga salom beradi. Ammo namoz o'qiyotgan, Qur'on tilovat qilayotgan kishiga, masjidida gapirayotgan imomga salom berilmaydi.

Kiyinish, ovqatlanish, ko'chada yurish, uxlash odoblarini bilish ham yaxshi xulqqa kiradi. Kiyimni odamning uyat joylarini, badanini bekitib turish uchun kiyiladi. Kir kiyimlarni, albatta, yuvdirib kiyish kerak, yirtiqlarini tiktirib oling. O'g'il bolalar ipakli kiyimlar, qizil, sariq rangli yoki qizlarnikiga o'xshash kiyimlarni, odam, hayvon surati solingan kiyimlarni kiyimasliklari kerak. Qizchalarimiz ulg'ayganda badanlari ko'rinadigan, kalta, yoqasi katta ko'ylaklar kiyimasliklari lozim.

Ovqatlanishning ham o'ziga yarasha odoblari bor. Musulmon bolalar ovqatlanishdan oldin va keyin qo'llarini yuvadilar. Dasturxonga kelib, «**Bismillah**»ni aytib tanovulga kirishadilar. Ovqatni o'ng qo'lda, o'z oldilaridan yeydilar. Ovqatni puflamay, xo'rillatmay, ustida nafas olmay yeyish lozim. Issiq ovqat sovigunicha sabr qiling. Chunki issiq taomda baraka bo'lmaydi. Ovqatlanib bo'lgach, «**Alhamdulillah**» deb Allohga hamd ayting. Chunki shundoq shirin ovqatlarni bizga Alloh taolo bergan-da!

Islomiy odobga ko'ra ovqatni tez-tez yeyilmaydi. Ketma-ket og'izga luqma tashlanmaydi. Katta-katta qilib chaynamay yutilmaydi. Ovqatlanayotgan kishiga qaralmaydi. Taom va nonlar isrof qilinmaydi. Ovqatlanib bo'lgach, qo'lni va yog'li idishlarni yalab, so'ng qo'l artiladi. To'kilgan uvoqlar terib yeyiladi. Keyin Allohga

shukr aytib, dasturxonga duo o'qib turiladi.

Suv, choy ichishning tartiblari mana bunday:

Payg'ambarimiz suvni uch bora nafas olib, bo'lib-bo'lib, o'tirgan holda ichishni tavsiya qilganlar. Faqat zam-zam suvi tik turgan holda ichiladi. Suv ham «Bismilloh»ni aytib ichiladi, ichib bo'lingach, «Alhamdulillah» deyiladi.

Ko'cha-ko'yda yurishning ham ma'lum tartiblari bor. Ko'chada shoshilib yurilmaydi. Ikki kishi, xususan ikki ayol o'rtasidan kesib o'tilmaydi. Ko'chada uyoq-buyoqqa anqayib yurish, tuflash, pista chaqib, taom yoki muzqaymoq yeb yurish islomiy ta'limga to'g'ri kelmaydi. Yo'lda odamlarga xalal beradigan tosh, shox-shabba, sim, tikan, po'choq kabi narsalar yotgan bo'lsa, bir chetga olib tashlanadi. Tanishmi-notanishmi ko'ringan kishilarga salom beriladi. Ko'cha-ko'ylarda behuda o'tirish yoki bekor angrayib turish, shovqin solish odobimizga to'g'ri kelmaydi.

Bolajonlarim, endi **uxlashning qoidalarini** o'rgatib qo'yay. Uyquga yotish oldidan tahorat olib, tishlarni misvok (tish cho'tkasi) bilan yaxshilab tozalang. O'ringa yotganda qibla tarafga yoki muqaddas kitoblar turgan tarafga oyoq uzatilmaydi. Yuztuban, chalqancha yotmang, kechasi yomon tushlar ko'rib chiqasiz. Eng yaxshisi, o'ng tomonga yonboshlab, qo'l kaftini yuz ostiga qo'yib uxlashdir. Janobi Payg'ambarimiz **«Qo'llarida ovqat yog'i bilan yotib uxlagan odamga biror kasallik yopishsa, o'zidan ko'rsin!»** deganlar.

Uyqu oldidan ikki «Qul a'uzu» surasini o'qib, kalimangizni aytib yotsangiz, juda yaxshi bo'ladi. Ko'p uxlamang, sizning yoshingizda, uzog'i bilan to'qqiz soat uxlansa kifoya, ko'p uxlash odamni lanj, kasal qiladi. Aslo quyosh chiqquncha uxlamang, chunki bu dinimizda qoralangan.

Mana asal-qandlarim, yaxshi bola bo'lishning, xush xulqli bo'lishning qoidalarini bilib oldingiz. Endi nima qilishimiz kerak? Ha, barokalloh, ularni eslab qolib, doimo amal qilib yurishimiz zarur. Ana shunday qilsak, Alloh taologa, Payg'ambarimiz alayhissalomga yoqadigan bolalar bo'lamiz. Agar Alloh va Payg'ambarga yoqsak, albatta, jannatga kiramiz. Jannatga kirsak, hech qiynalmaymiz, doimo mazza qilamiz. Shundaymi, shirintoylarim?!

Ahmad MUHAMMAD